

ТИЛШУНОСЛИКДА ОТОРИНОЛОРИНГОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Калимбетова Д.А.

*Таржима назарияси ва
амалиёти кафедраси таянч
докторанти*

XXI аср глобаллашув ва интеграциялашув даврида илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаларининг жадаллик билан ривожланиши сабабли тилларнинг луғат заҳирасида улкан ўзгаришлар қайд этилмоқда. Зеро, барча соҳалардаги янгилик ва ислохотлар даставвал тилнинг лексик системаларида акс этади ва бу ўзгаришлар терминлар орқали ифода этилади. Бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳаси ҳам жадал суръатлар билан ривожланишда давом этар экан, тиббий терминларга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб боради. Тиббиёт соҳаси беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, маълум бир касалликларни ҳамда эпидемияларни олдини олиш билан бир қаторда жамият аъзоларининг саломатлигини тиклаган ҳолда узоқ умр кўришларига қаратилган амалий фаолият ҳисобланади ва илмий билимлар тизимини ташкил қилади. Тиббиёт - инсоният фаолиятининг энг қадимги соҳаларидан бири бўлганлиги сабабли тиббий терминшунослик анча узоқ вақт олдин шаклланган лексика ҳисобланади. Аммо, шу билан бир қаторда у тинимсиз ва муттасил, динамик тарзда ривожланадиган терминологик системадир. Тиббиётда тиббий-биологик, тиббий-кимёвий, тиббий-техник ва технологик, инновацион, шунингдек, тиббиёт соҳасининг таркибий тармоқлар тизими ҳақидаги билимларнинг жадаллик билан ривожланаётганлиги боис махсус тиббий терминлар миқдори кун - сайин ортиб бормоқда ва уларни ёзма ва оғзаки нутқ жараёнида қўллаш учун реал эҳтиёж юзага келди. Шундай экан, замонавий тиббиёт терминологиясида терминлар ифодалаётган муайян тушунчаларнинг мазмун - моҳиятига кенг қамровли ва мураккаб тизимлардан бири сифатида қараш бугунги куннинг дозарб ва аҳамиятли масалалардан бири эканлигига шубҳа йўқ.

Тилшуносликда маълум соҳаларга оид терминологияларни шакллантириш ва бойитишда ўзлашма сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараён бошқа тиллардан терминларни айнан ўзлаштириш ёки хорижий тилларга оид терминларини калькалаш ёки транслитерация усули орқали амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб халқаро терминологик элементлар

асосида ўзбек тилида янги лексик бирликлар ҳосил қилиш анча фаоллашди. Кўпгина тилларда халқаро терминологик элементлар сифатида эътироф этилиб, кенг қўлланилаётган икки мингга яқин термин элемент, асосан, лотинча ва юнонча морфемалардан ташкил топган. Уларнинг баъзилари турли соҳа терминларини ҳосил қилишда иштирок этса, айримлари муайян соҳалардагина термин ясай олиш имкониятига эга, холос.

Турли тилларга мансуб терминлар, терминологиянинг назарий муаммолари билан шуғулланган Г.О. Винокур, А.А. Реформатский, В.В. Виноградов, С.Г. Бархударов, О.С. Ахманова, К.А. Левковская, Б.Н. Головин, В.П. Даниленко, В.М. Лейчик, шунингдек, муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганган Д.С. Лотте, С.А. Чаплигина, С.И. Коршунова, Т.Л. Канделаки тадқиқотларида терминология сўзи асосан икки маънода қўлланилган:

1. Терминология – муайян соҳаларда махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг мажмуи;

2. Терминология – терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва тилда амал қилиши билан боғлиқ бўлган муайян қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистиканинг алоҳида аспекти[1].

Х.Уэвеллнинг қайд этишича: “Терминология муайян фанга оид терминлар ёки техника, технология, санъат ва маданият, тиббиёт соҳаларида қўлланадиган, номинатив ва дефинитив хусусиятга эга бўлган махсус сўзлар йиғиндисидир. Биз терминлар маъносини қайд этиш орқали улар ифодаладиган тушунчаларни ҳам қайд этамиз, мулоқот жараёнида юзага келган лисоний эҳтиёжни қондираемиз” [2].

Тилшуносликда оториноларингология термини мавжуд бўлиб, *ōtós* юнонча – қулоқ, *rhís* (*rhinós*) - бурун, *lárynx* (*lárynghos*) – томоқ ва *lóghos* – ўрганиш, таълимотдеган маъноларни англатади. Оториноларингология терминига тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унга қулоқ, бурун, томоқ касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларни даволаш ҳамда олдини олишни ўрганадиган алоҳида фан сифатида қаралади. Отология, ринология ва ларингология тушунчаларини англатувчи терминларнинг ўзаро бир фанга бирлашиши ўрганилаётган инсон органларининг анатомик яқинлиги ва функционал жиҳатдан узвий боғлиқлиги ҳамда илмий – назарий нуқтаи назардан баъзи бир умумийлиги билан ўзаро боғлиқдир.

Тилшуносликда мавжуд бўлган оториноларингология терминининг семантик негизида ЛОР қисқартмаси мужассамлашаган бўлиб, қулоқ, бурун ва томоқ, шунингдек, бош ва бўйиннинг маълум тузилмалари атрофида

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

жойлашган инсон аъзолари билан боғлиқ касалликларни ташхислаш ва даволаш билан шуғулланадиган тиббий мутахассислик турибди. Бу соҳага тегишли транслитерация усули орқали ўзбек тилига ўзлашган қуйидаги баъзи бир терминларни мисол тарзида келтирамиз:

Соҳа лексикасида фаол қўлланиладиган оториноларинголог термини кулоқ, бурун ва томоқ касалликларини ташхислаш ва даволашга ихтисослашган тиббиёт шифокорини англатади;

Отология термини оториноларингологиянинг кулоқ касалликлари ва бузилишларини ташхислаш ва даволашга қаратилган маълум бир бўлимни англатади, ушбу бўлим инсонларни эшитиш қобилиятини йўқотиш, кулоқ инфекциялари ва мувозанат бузилишлари сингари касалликларни даволаш фаолияти билан шуғулланади;

Ринология термини оториноларингологиянинг яна бир махсус бўлимини англатади ва у синусит, бурун полиплари ва аллергия каби бурун ва синуслар касалликлари ва бузилишларини ташхислаш ва даволаш фаолиятига қаратилган;

Ларингология терминининг маъноси ҳам оториноларингологиянинг махсус бир бўлимини ифодалаб келади. Мазкур бўлим ҳақиқатда ва ҳалқум касалликлари ва бузилишларини, шу жумладан овоз бузилиши, овқат ютиш жараёнидаги бузилишлар ва ларингеал саратонни ташхислаш ва даволаш бўлимидир;

Аудиология термини эшитиш ва мувозанат бузилишларини ташхислаш ва бошқаришга ихтисослашган соғлиқни сақлаш соҳасини ифодалайди;

Ототоксиклик термини баъзи дорилар ёки кимёвий моддаларнинг ички кулоқ тузилмаларига зарарли таъсирини англатади. Эшитиш қобилиятининг йўқолишига ёки мувозанатнинг бузилишига олиб келувчи жараёнга нисбатан қўлланилади;

Тиннитус термини ташқи товуш мавжуд бўлмаганда кулоқдаги шовқин ёки шовқинни идрок этиш учун ишлатилади;

Бурун септум термини эса инсондаги икки бурун бўшлиғи орасидаги бўлинишга нисбатан қўлланилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган терминлар оториноларингология соҳасида қўлланиладиган терминларнинг бир қисми, холос. Ушбу фан соҳаси кулоқ, бурун ва томоқ билан боғлиқ касалликлар ва уларни даволашнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

Тилшуносликда оториноларингология терминлар тизимига тиббиёт лексикасининг маълум бир лексик қатлами сифатида қаралиб, у тиббиёт терминологик системаси билан уйғун ва параллел ҳолда ўрганилиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Тўпланган маълумотларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ЛОР терминологияси тиббиёт лексикасининг таркибий лексик қатлами ҳисобланганлиги сабабли мазкур соҳада қўлланиладиган термин ва лексемалар, шунингдек, ибораларнинг миқдори 650-800 тани ўз ичига олади. Бироқ, бу кўрсаткич, кун-сайин ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири турли тиллардаги тиббиёт маълумотлари ҳажмининг доимий ўсиши орқали кўплаб янги терминларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади, албатта. Дарвоқе, умумадабий тилнинг таркибий лексик қатламлари энг ўзгарувчан ва таъсирчан қисми ҳисобланиб, у мунтазам ижтимоий - иқтисодий, сиёсий – маданий ва тарихий таъсирларни “бошдан кечиради”. Бу жараёнга тилшуносликда экстралингвистик омиллар сифатида қаралади. Натижада, замонавий тил лексик системасида турли хил терминлар муомалага кириб келади ва баъзилари эса муомаладан чиқиб архаик сўзлар қаторидан ўрин олади. Маълум соҳавий терминларнинг лексик-семантик, структур-семантик ва функционал жиҳатларини атрофлича ва чуқур таҳлил ҳамда тадқиқ этиш тилшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда соҳага оид илмий тушунчаларни лингвистик жиҳатдан ифодалаш муаммолари, тил бирликларининг семантикаси ва лексик элементлар ўртасидаги ўзига хос нозик муносабатлар, уларни терминологик белгилар, мезонлар ва тамойилларга асосланган ҳолда атрофлича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунгача тиббиёт лексикасининг таркибий лексик қатлами ҳисобланган **оториноларингология** (ЛОР) терминлари масалаларига оид амалга оширилган ишлар нисбатан камчиликни ташкил этса-да, умумий тиббиёт лексикаси билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар бажарилганини урғулаш мақсадга мувофиқ.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, **оториноларингология** соҳаси алоҳида фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада пайдо бўлганлиги таъкидланади. Унинг терминологик тизимининг асосини эса ЛОР органларининг халқаро анатомик терминлари ва лексемалари ташкил этади. 1892-1893 йилларда А.Виларе томонидан немис тилида чоп этилган илк “**Тиббиёт энциклопедик луғати**”да ЛОР лексикасига оид лотинча *auricula* (қулоқ *супраси*), *meatus acusticus externus* (қулоқнинг *эшитиш канали*), *plexus*

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

cervicalis (томоқ томирларини туташуви), *cochlea* (қулоқнинг товуш қабул қиладиган қисми, найча) каби соҳага оид терминларнинг маънолари лотин тили транскрипцияси асосида берилган [3].

Бугунги кунда тилимиздаги тиббиёт соҳасига оид терминларини тўғри ва ўринли қўллаш, тўғри талқин қилиш, уларнинг қўлланиш доираси ҳамда улар билан боғлиқ муаммолар ҳақида соҳа мутахассиларидан ташқари, кенг оммага етарли маълумотлар бериш муҳим аҳамият касб этади. ЛОП соҳаси терминологик тизими лексик birlikларининг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги боис ҳам яхлит бир тизим сифатида систем-структуравий шаклда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Библиография:

1. Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Дисс.ф.ф.д. (DSc). Тошкент: 2016.255 б.
2. Whewell U. Unification and normalization of terminology. Great Britain. Lancaster. 1985. P.-264.
3. Дадабоев Х. Ўзбек терминологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент: Ёшлар нашриёти. 2019.123 б.
4. Чернявский М.Н. История и проблемы упорядочения медицинской терминологии // Энциклопедический словарь медицинских терминов [под ред. Б.В. Петровского]. М.: 1984. С. 410.
5. Saodat, S. (2023). Study of Somatic Phraseological Units in Karakalpak Language.
6. Mambetova, G. (2020, October). THE USE OF SOMATIC PHRASEOLOGISTS IN THE STORY OF T. KAYIPBERGENOV THE MYSTERY KNOWN ONLY TO YOU. In Archive of Conferences (Vol. 6, No. 1, pp. 30-32).
7. Seytjanov, J. (2023). COMPARATIVE TYPOLOGY OF ENGLISH, UZBEK AND KARAKALPAK LANGUAGES. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 404-406.